

ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ

Баллиева Р.,
Далжанов К.О.,
Турсынов М.Ж.,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат
университети, Қорақалпоғистон
Республикаси, Ўзбекистон

Аннотация. В этой статье представлена информация об традиционных методах использования земельных и водных ресурсов, видах посева в Приаралье, в частности в Южном Приаралье. Также рассмотрены традиционный опыт и достижения жителей региона в обработке земли.

Ключевые слова. Древнее земледелие, культурный ландшафт, человек и природа, традиционный вид сельскохозяйственной культуры, люцерна.

Abstract. This article provides information about traditional methods of using land and water resources, types of crops in the Aral Sea region, in particular in the Southern Aral Sea region. The traditional experience and achievements of the region's residents in cultivating the land are also considered.

Keywords. Ancient agriculture, cultural landscape, human and nature, traditional crop, alfalfa.

Оролбўйи минтақасида суғориб экиладиган деҳқончилик милоддан II минг йиллар олдин ривожланган бўлиб, ирригация ва ирригацион қурилиш ишлари жуда яхши йулга қўйилган. Сунбий суғориш натижасида суғоришнинг бир қанча технологиялари яратилган ва ташкиллашган деҳқончилик тизими шаклланган. Бу тизим инсон ва табиат ўртасидаги чамбарчас боғлиқларни чуқурлаштириб Оролбўйида маданий ландшафтларнинг шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Буни қуйидаги ердан фойдаланиш усулларида кўриб чиқамиз:

Биринчидан, Оролбўйи аҳолисининг тупроқни экишга тайёрлашнинг асосий хусусияти, келадиган сувнинг миқдорига қараб максимал турда сувни тежаш усуллари қўлланилган. Бунинг учун ерлар текисланиб, устки қатламининг паст-баландлиги тузилишига қараб бир қанча кичик кўлчаларга ажратилган. Ҳар бир кўлча учун экин турлари танланган ва бундан мақсад сувни тежаб фойдаланиш бўлган.

Иккинчидан, ер кичик кўлчаларга ажратилгандан кейин ернинг шўрини ювиш ишлари олиб борилган. У бир неча марта суғорилиб, ер бетига чиққан тузли сувларни бошқа паст ерларга оқизилган. Натижада тупроқнинг устки ва қуйи қатламидаги тузлар ювилиб, экинларнинг яхши ўсиб ривожланишига шароит яратилган. Бундай ерларнинг шўрини ювиш ишлари ҳар йили олиб борилган.

«ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА В БАССЕЙНЕ АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ КЛИМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ»

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

Учинчидан, инсон ва табиат орасидаги алоқаларида ерни шудгор қилиш ва ўғит бериш усулларида кўриш мумкин. Шўри ювилган ерлар узунига ва энига ҳайдалиб бўлингандан сўнг маҳаллий ўғит ва унга кўшимча Амударёнинг лойқали суви ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Амударёнинг лойқали суви таркибида фосфор кислотаси ва калий элементлари тупроқдаги органик бирикмаларнинг кўпайишига сабаб бўлган. Ерга берилган маҳаллий ўғитлар азотли моддаларни берса яшил ўтлар (ширинмия кўшиб шудгор қилиш) тупроқдаги намликнинг бир текис тақсимланишига ва ўғит сифатида ҳам аҳамияти бекиёс бўлган. Ушбу усулда тупроқдаги намликнинг тез буғланиб кетмасдан, намликнинг яхши сақланиши ва тупроқнинг дефляцияга учрашининг олдини олган. Буннан ташқари яшил ўғит тупроқ таркибидаги гумуснинг тўпланишига ҳамда тупроқдаги азот ва фосфорнинг мустаҳкамланишига олиб келган.

Тўртинчидан, алмашлаб экиш Оролбўйи деҳқончилигининг ердан фойдаланишда энг бой тажрибаларидан бири бўлиб, у ҳамма вақтда табиий хўжалик шароитларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилган. Сув ресурслари ва экин ерларнинг кўплиги алмашлаб экишга муҳим шароит туғдирса, сув танқис йиллари сувни кам талаб қиладиган экин турлари билан алмашлаб экилган. Масалан, бундай даврларда буғдой ва жўхорининг ўрнига тарик экилган. Шунингдек, шоли учун экин ерларининг энг пастда жойлашган қисмлари танланган бўлса, полиз экинлари асосан қайир ерларга экилган. Бу экинлар тупроқдаги намлик билан пишиб етилиб, ширин ва экологик тоза маҳсулот сифатида бошқа ҳудудларда экилган экинлардан ҳаммиша ажралиб турган.

Жанубий туманларда пахта экиладиган ерларда алмашиб экиш 2-3 йилдан олиб борилган. Пахтанинг ўрнига буғдой ва жўхори экилган бўлса, кузги буғдой кўпинча қовуннинг ўрнига экилган ва яхши ҳосил олинган. Беда ўсимлигининг аҳамиятини аҳоли қадимдан тушуниб етган ва ундан кенг фойдаланган. Чунки беда чорва моллари учун юқимли ем-хашак, уруғи аҳамиятли маҳсулот ҳисобланиб, илдизи эса тупроқнинг таркибини яхшилаб, органик моддаларнинг кўпайишига олиб келган. Шу билан бирга тупроқ унумдорлиги паст бўлган ерларда беда билан алмашлаб экиб унинг унумдорлигини қайта тиклаган.

Беда 4 минг йиллик тарихга эга бўлиб, Ўрта Осиё ҳудуди беданинг келиб чиқиш марказларидан бири сифатида тан олинган. Беда илдизи атрофида азот бактериялари йиғилиб, тупроқнинг физик ҳолатини яхшилашда муҳим рол уйнайди. Шу билан бирга у ўқ томирли бўлиб, айрим ерларда унинг узинлиги 6-8 метр, баъзида эса 10-12 метргача етади. Беда илдизи тупроқнинг чуқур қатламига кириб бориб, тўпроқнинг капиллярлигини яхшилаш билан бирга, унинг ҳосилдор қатламида гектарига 15-20 тонна органик моддалар тўпланиб, гектарига 10-12 тонна маҳаллий ўғит чиқариш билан баробар ҳисобланади.

«ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА В БАССЕЙНЕ АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ КЛИМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ»

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

Оролбўйи деҳқонлари XIX асрда беда уруғини экспорт қилишни жуда яхши йўлга қўйган ва беданинг Чимбой нави жаҳондаги энг яхши нав сифатида тан олиниб, дунё давлатларига экспортга чиқарилган. Тарихга назар ташласак, 1934 йили Собик Иттифокдаги ягона беда уруғини қайта ишлайдиган завод Нукус шаҳрида қурилиб, 1940 йили Қорақалпоғистонда беда барча экин майдонининг 32,2% ини банд қилган.

Шундай қилиб, Оролбўйида табиий хўжалик шароитига қараб сув танқислиги шароитида ўзига хос экин ерларни экишга тайёрлаш, маҳаллий ўғит бериш билан бирга асрлар давомида қўлланиб келинган алмашлаб экиш тажрибалари яратилган. Умуман Оролбўйи аҳолисининг сув ва ердан унумли, тежамкорлик билан фойдаланиш билан бир қаторда, ушбу минтақада яшовчи ҳар бир этник гуруҳнинг ўзига хос экин турлари танланган. Сўнг ушбу экин турлари бўйича ўзига хос ерларга ишлов бериш технологиялари яратилган.

Бугунги кунда инсоният ҳозирги экологик ҳолатларни келтириб чиқарувчи фан-техника ривожланишининг натижалари ва аҳоли сонининг кўпайиб бориши табиатдан анъанавий фойдаланиш тажрибаларининг келажақдаги ютуқларига этибор қаратилиши талаб этилмоқда. Чунки, бу тажрибалар ҳозирги кунда ер ва сувдан фойдаланиш миқдорини аниқлаб беришга, ўз навбатида худуднинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши юзасидан қарорлари қабул қилишда фақатгина табиий шароитларни ҳисобга олмасдан, балки ушбу худудда яшовчи ҳар бир этноснинг тарихий-маданий дастурларини ҳисобга олишни яратиб беради. Ўлкамизда деҳқончилик турларини етиштиришда тупроқ-иқлим ёки иқтисодий шароитларни ҳисобга олибгина қолмасдан, ўлкамиз аҳолисининг меҳнат севарлигини ва азалий деҳқончилик касби сирларини яхши эгаллаганлигини, уларнинг яратувчанлик қобилиятларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиниши замонавий технология ва инновацияларнинг асоси ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Баллиева Р., Далжанов К.О. Рациональное использование природных ресурсов в сельской местности республики Каракалпакстан // Теория и практика современной науки. – 2017. – №. 6 (24). – С. 74-78.
2. Баллиева Р., Ахмедова З. [Оценка природных условий Приаралья для целей природопользования \(историко-географический аспект\)](#) // Вестник Каракалпакского государственного университета имени Бердаха. – 2017. №3 (32). – С. 24-26.
3. Ballieva R. Priroda, osobennosti rasseleniâ i hozâjstvo Karakalpakii konca XIX v // Vestnik Moskovskogo universiteta. Seriâ filosofiâ, 1996. №4. – С. 71-78.
4. Далжанов К.О. Қарақалпакстан аўыл-хожалығының суў ресурслары менен тәмийинлениў машқалалары. «Бутун жаҳон атроф-муҳит муҳофазаси куни»га бағишланган «Жанубий Оролбўйи табиий ресурсларини оқилона фойдаланиш» V Республика илмий-амалий конференция материаллари. ККДУ, Нукус - 2016, 286.
5. Далжанов К.О., Утарбаева К.А. Қорақалпоғистонда деҳқончиликни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари // Ўзбекистон география жамияти. №53. - 2018. – Б. 111-113.

«ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА В БАССЕЙНЕ АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ КЛИМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ»

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

6. Донской П.В., Минахмедов З.М. Люцерноводство в низовьях Аму-Дарьи. – Нукус, 1958. – С. 57.
7. Ешимбетов У.Х., Раджапов М.Я., Атамуратов И. Қишлоқ хўжалиги ривожланишининг минтақавий ўзига ҳос хусусиятлари // Фан ва жамият. – 2022. №2. – Б. 38-40.
8. Ешимбетов У.Х. Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ривожланишининг айрим ўзига ҳос жиҳатлари //Konferensiyalar Conferences. – 2024. – Т. 1. – №. 11. – С. 192-196.
9. Eshimbetov U. et al. Territorial composition of agriculture in the Aral Sea Region of Uzbekistan //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2024. – Т. 510. – С. 01040.
10. Турсунов М. Далжанов К.О. Қорақалпоғистонда деҳқончиликни ривожлантиришнинг айрим масалалари. Рациональное использование природных ресурсов Южного Приаралья. Материалы VII Республиканской научно-практической конференции. – Нукус. – 2017. – С. 172-173.